



## МИЛЛИЙ – МУМТОЗ МУСИҚА САНЪАТИ НАМУНАЛАРИНИ ИДРОК ЭТИШ УСУЛЛАРИ

**Ғуломқодирова Эльнора Дилшоджон қизи**

*ГулДУ талабаси*

*Илмий раҳбар: Султонов Абдурахим Абдурахмонович*

*Телефон: +998916867756 Гулистон. Ўзбекистон.*

Инсон дунёга келар экан, унинг гўдаклик чоғидан дунёқараши, фикрлаш қобилияти, хохишлари ва бошқа кўникмалари шаклланиб боради. Аста-секин улғайиб, катта бўлгани сайин тасавури, орзу ва мақсадлари пайдо бўла бошлайди. Болалиқдан мусиқага, кўшиқ айтишга қизиққан инсонда мусиқий дунёқараш ва мусиқий дид шаклланади. Бундай мусиқий қобилиятга эга бўлган болалар эшитган мусиқа ва кўшиқларини тез фурсатда ўрганиб олади. “Болалиқда олинган билим тошга ўйилган кабидир”, деган нақл бежиз айтилмаган. Мусиқани тинглаб, эса сақлаб қолиш, ҳамда ўша мусиқа ёки кўшиқни ритмини (усул) ҳис этиш қобилияти юқори даражада бўлган болалар ўша мусиқанинг ижро этилиши, муаллифларнинг исми ва фамилияси, мусиқий асар, яъни кўшиқнинг темпини ва характерини ҳам яхши билишади.

Миллий ва мумтоз мусиқа санъати намуналарини болалиқдан, доимий равишда, телевидение, радио ва концерт дастурларида тинглаб борган болалар ўша ёқимли ва хуш наволарни ўзларига, яъни қулоқларига худди магнит тасмасига ёзгандай “ёзиб олади”. Уларнинг юраги мусиқа оҳанглари билан завқланади, кўшиқнинг сўзларини тинглаб, ёки ўзлари айтиб маза қилади ва кўшиқ ритмини дилдан ҳис қилади. Агар шундай қобилиятли болалар мусиқа мактабларига бориб, у ердаги мутахассис-устозлардан тўғри сабоқ олишни бошлашса, улар мусиқанинг ифода воситаларини ҳам билишиб, тўғри йўналишдан борган бўлишади. Бундай болаларнинг мусиқанинг сеҳрли оламига кириши ва мусиқий дунёқарашининг шаклланиши осон кечади.

Ўта қобилиятли ва мусиқий зеҳни ўткир, “қуйма қулоқ” болалар миллий ва мумтоз ашулаларни ва мақомларни тинглаб ижро қилиш билан бирга бу ашулалар ҳақида, унинг ижро этилиши ҳақида фикр-мулоҳаза юритадиган ва уни идрок эта оладиган бўлишади. Мумтоз ашулаларнинг усулини ҳам ҳис этиб куйлаш маҳоратини эгаллайди. Маълумки, миллий ва мумтоз ашулалар, хусусан мақом ашулалари қатъий усулга таянади. Бу ашулаларни ижро этиш давомида хонанда доимий ашуланинг ритмини ҳис қилиб бориши шарт. Бу ашулаларни ижро этиш созандалар: танбур, дутор ва яна доира жўрлигида бўлади. Созандалар билан бир асарни бирга ижро қилиш учун ижрочида жўрнавотларни ҳам тинглаб, улар билан бир хил усулни ҳис эта билиш керак.

Бундай миллий ва мумтоз оҳанглари биргаликда ижро қилиш фаолиятида болаларда деярли барча мусиқий психологик хусусиятлар шаклланади. Чунки бу



фаолиятда улар ўзлари бевосита мусиқий асарни ижро этадилар ва созандаларга жўр бўладилар. Аввал улар миллий оҳангдаги ашулани, мусиқий асарни тинглаб кўрадилар (мусиқий идрок), бу эса мусиқанинг ритмик кўринишини эслаб қолишни (мусиқий хотира), қайси чолғу созида жўр бўлса яхшироқ жаранглашини (мусиқий дид) танлашни тақозо этади. Болалар бу фаолиятда мустақил фикрлайди (мусиқий тафаккур), натижада уларнинг мусиқий дунёқараши шаклланиб боради. Миллий ва мумтоз, мақом мусиқаларини, ашулаларини тинглаш фаолиятлари жараёнида болалар руҳан бирлашадилар ҳамда жамоавий бирга куйлаш давомида тарбияланадилар.

Буюк мутафаккир Абу Али Ибн Сино мусиқа овозларининг киши руҳига таъсири ҳақида ҳам ўз фикрларини баён этган. Бу борада буюк аллома машҳур «Қонун-фит-тиб» (Тиб қонунлари) асарида қуйидагиларни таъкидлайди: «Танани чиниқтиришда чақалоқлар учун жуда фойдали воситалар қаторига, биринчидан енгил тебратиш, иккинчидан, одатда ухлатиш учун айтиладиган қўшиқлар, аллалар киради. Боланинг ушбу икки нарсани идрок этиш даражасига мувофиқ унинг жисмоний машқларга ва мусиқага мойиллигини аниқлайдилар. Уларнинг биринчиси танага, иккинчиси эса руҳиятга тегишлидир». Мусиқа - эшитиш органи орқали идрок этилсада, у киши организмнинг умумий аҳволига - қон айланиш тизими, нафас олишга ва бошқа жиҳатларига таъсир қилади.

Абу Али Ибн Сино маънавий тарбия боланинг чақалоқ ёшидан беланчагини тебратиш давомида (жисмоний тарбия) алла (қўшиқ) айтиш воситалари билан муштарак тарзда олиб борилиши лозимлигини айтиб ўтган. Ибн Синонинг мусиқага оид асарлари у яшаган давр мусиқа илмидан жуда муҳим маълумотлар бериши билан ҳам қимматлидир. Болаларнинг миллий ва мумтоз мусиқани идрок этиш малакаларини шакллантириш, унинг тилини тушуниш, ҳар бир боланинг ўз севимли мусиқий асарлар доирасини пайдо қилиш, уларда мусиқий асарларнинг муаллифларига, ижрочиларига нисбатан миннатдорлик ҳиссини ўйғотиш, миллий ва мумтоз мусиқага нисбатан қизиқиш ўйғотиш муҳим вазифалардандир.

Мусиқий асарларни тинглаш фаолиятида, айниқса миллий -мумтоз ашула ва куйларни тинглашда такрор ва такрор тинглаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Мусиқа тинглашда ҳам эшитилган мусиқий асарни қайта-қайта тинглаб туриш, ушбу асарни яхшироқ тушуниш ва ўзлаштиришга имкон яратади. Энг асосий талаблардан бири шундаки, ўқувчи тингланган асар ҳақида ўз таассуротларини айтиб бера олиши керак. Ҳар бир боланинг ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиши эшитилган асар ҳақидаги таассуротлар қўламини кенгайтиради. Масалан, мусиқа тинглашда —

«Сиз бу мумтоз ашулани аввал ҳам эшитганмисиз?

Биринчи марта қайси хонанда ижросида, қачон эшитгансиз?

Ашула сизга ёқдимиди?

Бу ашула сўзларининг маъносини тушунтириб бера оласизми?» - каби саволлар орқали болаларни янада диққат билан тинглашга, уларни ўзлари эътибор бермаган



айрим жиҳатларни идрок этиш ва англашга, мустикал фикр юритишга одатлантириб боради.

Муסיқий асарларни, ўқувчилар учун қабул қилиниши қийинроқ кечадиган миллий-мумтоз асарларни, мақом тароналарини идрок қилиш учун ўқувчилар бу асарларни олдин яхшилаб таниб олиши лозим. Одам кимнидир танимаса уни яхши билмайди. Яхши билмаса, у ҳақида маълумотга эга бўлмаса, уни яхши кўрмайди. Яхши кўрмаса унга беътибор бўлади, эъзозламайди, қадрига етмайди. Шунинг учун ўқувчилар аввало бу асарлар билан “яхшилаб танишиб” олиши зарур. Болаларни оилада, мактабда кичик ёшлигидан хорижий, нотаниш, маънисиз муסיқалар билан эмас, ўзимизнинг ота-боболардан мерос бўлиб келаётган миллий – мумтоз муסיқа ва устоз-хофизлар ижро этган ашулалар билан таништириш керак. Ана ўшанда ўқувчи ва талабалар тинглаган муסיқий асарларини тушуниб идрок қила олади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017-йил 17-ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш тўғриси”даги қарор.

2. .Абу Али Ибн Сино.«Қонун-фит-тиб». Тошкент. “Шарқ” нашриёти. 2020-йил. Таржимонлар: А. Расулев, К. Мирзаев, У.И. Каримов, А. Муродов.

3. . Д. Каримова. “Олий таълимда муסיқа таълими фанларини ўқитиш методикаси” - Тошкент. 2018 – йил. Ўқув Услубий Мажмуа.